



САММИТДА ГЛОБАЛ ВА МИНТАҚА ДАРАЖАСИДА САМАРАЛИ МЕХАНИЗМ ВА АНИҚ ЕЧИМЛАР ТЕЗРОҚ ҲАЁТГА ЖОРИЙ ЭТИЛИШИГА ИШОНЧ БИЛДИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Икки муқаддас масжид ходими — Саудия Арабистони Подшоҳи Салмон бин Абдулазиз Ол Сауднинг таклифига биноан 11 ноябрь куни амалий ташриф билан Ар-Риёд шаҳрида бўлди.



Подшоҳ Халид номидаги халқаро аэропортда давлатимиз раҳбарини Ар-Риёд вилояти раҳбарияти — шаҳзода Муҳаммад бин Абдурахмон бин Абдулазиз ва бошқа расмий шахслар кутиб олди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев навбатдан ташқари араб-ислом саммитида нутқ сўзлади.

Саудия Арабистони раислигида ўтган тад-

бирда Яқин Шарқ, Марказий ва Жанубий Осиё, Африка қитъасининг етакчи мамлакатларининг давлат ва ҳукумат раҳбарлари иштирок этди.

Кун тартибига мувофиқ, халқаро ҳамжамиятнинг Ғазо ва Ливандаги кескинлигини камайтириш, юзага келаётган вазиятни тез фурсатда сиёсий йўл билан ҳал этишга қаратилган сазй-ҳаракатларини бирлаштириш масалалари кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари глобал сиёсат кун тартибидagi энг ўткир ва оғриқли масала — Фаластин муаммосига бағишланган саммитни ташкил этгани учун Икки муқаддас масжид ходими, Саудия Арабистони Подшоҳи Салмон бин Абдулазиз Ол Сауд ҳамда Валиаҳд Муҳаммад бин Салмон Ол Саудга алоҳида миннатдорлик билдирди.



2023 йили Ар-Риёд шаҳридаги йиғилишдан кейин ўтган вақт мобайнида ушбу уруш кўлами янада кенгайиб, Ливан ҳудудини ҳам қамраб олгани афсус билан қайд этилди.

Президентимиз Фаластин-Исроил муаммосини тинчлик ва дипломатия йўли билан ҳал этишга қаратилган барча амалий ташаббусларни тўлиқ қўллаб-қувватлади.

Мазкур саммитда глобал ва минтақа даражасида самарали механизмлар ва аниқ ечимлар ишлаб чиқилиб, ҳаётга жорий этилишига ишонч билдирилди.

Ҳарбий ҳаракатларни зудлик билан тўхтатиш, хавфсиз гуманитар йўлакларни таъминлаш ва тинчлик музокараларини бошлаш масалалари Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва Хавфсизлик Кенгашининг

доимий эътибор марказида туриши зарурлиги қайд этилди.

Қадимий ва бой тарихга эга фаластин халқи 1967 йилдаги чегаралар доирасида, пойтахти Шарқий Қуддус бўлган мустақил ва озод давлатини тузишга тўла ҳақли экани таъкидланди.

► Давоми 2-бетда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ АРАБ-ИСЛОМ САММИТИДАГИ НУТҚИ

Бисмиллаҳир раҳмонир раҳим!
Хурматли раис жаноблари!

Хурматли делегациялар раҳбарлари!

Глобал сиёсат кун тартибидagi энг ўткир ва оғриқли масала — Фаластин муаммосига бағишланган бутунги муҳим саммитимизни ташкил этганлари учун Икки муқаддас масжид ходими, Саудия Арабистони Подшоҳи Салмон бин Абдулазиз Ол Сауд Аъло Ҳазратларига ҳамда Валиаҳд ва Бош вазир Муҳаммад бин Салмон Ол Сауд Ҳазрати Олийларига алоҳида миннатдорлик билдираман.

Минг афсуски, 2023 йили Ар-Риёд шаҳридаги тарихий йиғилишдан кейин ўтган вақт мобайнида ушбу адолатсиз ва қонли уруш кўлами янада кенгайди.

Дунё ҳамжамиятининг қатъий ҳаракат ва чақириқларига қарамасдан, халқаро

меъёрлар ва резолюцияларнинг қўпол равишда бузилиши давом этмокда. Уруш олови эндиликда Ливан ҳудудини ҳам қамраб олгани барчамизни қаттиқ ларзага солмокда.

Ҳамкасбларим ўз нутқларида айтиб ўтганларидек, минг-минглаб бегуноҳ болалар, аёллар ва кексалар ўлимга сабаб бўлаётган бу вайронкор ва муҳдиш ҳужумлар инсоният янги тарихининг энг қора саҳифасига айланмокда.

Ижтимоий инфратузилма объектлари, мактаб ва шифохоналар, масжидлар, бутун бошли шаҳарлар йўқ қилиб ташланаётгани, миллионлаб тинч аҳоли бошпанасиз қолиб, очарчилик ва касалликларга маҳкум бўлаётганини изтиробсиз кузатиш мумкин эмас.

Энг ёмони, ҳаммамиз гувоҳ бўлаётганимиздек, ушбу фожиага нисбатан халқаро майдонда икки хил стандартлар асосида ёндашилмокда. Бу эса урушнинг кенг ёйилиб кетиш эҳтимолини кескин оширмокда, халқаро хавфсизликка жиддий рахна солмокда.

Хурматли саммит иштирокчилари!

Ўзбекистон Фаластин — Исроил муаммосини тинчлик ва дипломатия йўли билан ҳал этишга қаратилган барча амалий ташаббусларни тўлиқ қўллаб-қувватлайди.

Бу борада бутунги саммитимизда умумий сиёсий ирода ва бирдамликни намоён этиб, глобал ва минтақа даражасида самарали механизмлар ва аниқ ечимлар ишлаб чиқиб, ҳаётга тезроқ жорий этилишига ишонамиз.

Гап, энг аввало, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва Хавфсизлик Кенгашининг

мазкур кўп йиллик низони ҳал этишдаги ўрни ва таъсирини тубдан ошириш ҳақида бормокда.

Ҳарбий ҳаракатларни зудлик билан тўхтатиш, хавфсиз гуманитар йўлакларни таъминлаш ва энг асосийси — тинчлик музокараларини бошлаш масалалари бу универсал халқаро тузилманинг доимий эътибор марказида туриши мақсадга мувофиқдир.

Иккинчидан, 15 ноябрь куни жафокаш Фаластин халқи ўз миллий байрами — Фаластин Давлати эълон қилинган кунни нишонлайди.

Аминманки, бу қадимий ва бой тарихга эга халқ 1967 йилдаги чегаралар доирасида, пойтахти Шарқий Қуддус бўлган мустақил ва озод давлатини тузишга тўла ҳақлидир. Бу борада биз Саудия Арабистони ташаббуси

билан ташкил этилган Икки давлат ечими учун глобал альянс фаолиятини ҳар томонлама маъқуллаяймиз.

Учинчидан, Фаластин ва Ливан ҳудудидаги мислсиз гуманитар инқирознинг олдини олиш мақсадида давлатларимиз томонидан ҳамда етакчи халқаро ташкилотлар доирасида ёрдам кўламини кенгайтиришимиз лозим.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг катта тажрибига эга бўлган Махсус агентлиги ва бошқа институтлари фаолиятига зарурий кўмакни ошириш тарафдоримиз.

Шу ўринда биз урушда жабрланган фаластинлик болалар ва аёлларни Ўзбекистон шифохоналарида бегараз даволашга тайёрлигини билдираман.

Биз Фаластин халқига амалий ёрдам кўрсатиш масалаларини келгуси йили

Самарқандда ўтадиган “Қўрғаз араб давлатлари — Марказий Осиё” саммитида ҳам муҳокама қилиш ниятдаимиз.

Тўртинчидан, Ислом ҳамкорлик ташкилоти доирасида муқаддас Ал-Ақсо масжиди, Қуддусдаги бошқа ноёб тарихий-маданий ёдгорликларнинг дахлсизлигини таъминлаш ҳамда уларни бешикаст сақлаб қолиш масалаларига катта эътибор қаратишимиз лозим.

Хурматли делегациялар раҳбарлари!

Бутунги фавқуллода учрашувимиз Яқин Шарқ муаммосини ҳал этишда катта қадам бўлади, деб умид қиламан.

Аллоҳ таолодан жаҳонда тинчлик-осойишталик ва хотиржамлик неъматини зиёда этишини ва умматимиз аҳиллигини янада мустақкам қилишини сўраб қоламан.

ЎЗБЕКИСТОН БАРҚАРОР КЕЛАЖАК ЙЎЛИДА: ЭКОЛОГИК ТАШАББУСЛАР ВА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 11-13 ноябрь кунлари Боку шаҳрида бўлиб ўтаётган БМТнинг Иқлим ўзгариши бўйича ҳадли конвенцияси томонлари конференциясининг 29-сессияси доирасидаги Иқлим ўзгаришларига қарши курашиш бўйича жаҳон саммитида иштирок этади.

Конференцияда, шунингдек, 200 га яқин мамлакатдан давлат, ҳукумат раҳбарлари ва вазирлар даражасидаги делегациялар, халқаро ташкилотлар, нодавлат нотижорат ташкилотлар, эксперт, илмий ва жамоат доиралари вакиллари иштирок этиши кутилмокда.

Тадбир 1992 йилда қабул қилинган ва дунёнинг деярли барча давлатини қамраб

► Давоми 2-бетда



Президент қарорлари — ҳаётда ва назоратда СПОРТДА ЭНГ МУҲИМИ — ТИЗИМ, ТАРТИБ, ТЕМИР ИНТИЗОМ ВА НАТИЖА

Ижро интизоми давлат органлари ва ташкилотлари иш самарадорлигини таъминловчи муҳим ҳамда асосий фаолият кўрсаткичларидан биридир. Шу боис, барча соҳалардаги каби спортда ҳам ислохотлар самарали кечиши, биринчи навбатда, вазирликнинг барча бўғинларида ижро интизоми зарур даражада ташкил этилиши билан боғлиқ. Ҳозир ҳар жабҳада, ҳар соҳада туб янгиланишлар амалга оширилмокда. Бунда ҳар биримиздан ўз вазифамизга виждонан ёндашиш, Президентимиз илгари сураётган тамойилларни, топшириқларни сўзсиз бажариш талаб этилади.

Ўзбекистон Президентининг 2021 йил 10 февралдаги “Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”-ги фармони ва 2021 йил 31 майдаги “Йўро. gov.uz” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилиниши ҳар қандай давлат органлари ва ташкилотлари иш самарадорлигини таъминлашда ҳамда қатъий интизом ўрнатилда муҳим аҳамият касб этди.

► Давоми 3-бетда

САММИТДА ГЛОБАЛ ВА МИНТАҚА ДАРАЖАСИДА САМАРАЛИ МЕХАНИЗМ ВА АНИҚ ЕЧИМЛАР ТЕЗРОҚ ҲАЁТГА ЖОРИЙ ЭТИЛИШИГА ИШОНЧ БИЛДИРИЛДИ

Бошланиши 1-бетда

Шу маънода, Саудия Арабистони ташаббуси билан ташкил этилган Икки давлат ечими учун глобал альянс фаолияти қўллаб-қувватланди.

Бундан ташқари, Фаластин ва Ливан ҳудудидаги гуманитар инқирознинг олдини олиш мақсадида етакчи давлатлар ва халқаро ташкилотлар томонидан, шу жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Махсус агентлиги доирасида ёрдам кўламини кенгайтириш таклиф этилди.

Давлатимиз раҳбари урушда жабрланган фаластинлик болалар ва аёлларни Ўзбекистон шифохоналарида бегараз даволашга тайёр эканини таъкидлади.

Фаластин халқига амалий ёрдам кўрсатиш масалаларини келгуси йили Самарқандда ўтadиган “Кўрфаз араб давлатлари — Марказий Осиё” саммитида ҳам муҳокама қилиш нияти билдирилди.

Президентимиз муқаддас Ал-Ақсо масжиди, Қудудсаги бошқа ноб тарихий-маданий ёдгорликларнинг дахлсизлигини таъминлаш ҳамда уларни бешиқас қасқаб қолиш масалаларига алоҳида эътибор қаратди.

Сўзининг якунида давлатимиз раҳбари мазкур учрашув Яқин Шарқ муаммосини ҳал этишда катта қадам бўлишига умид билдирди.

Муҳокамалардан сўнг томонлар можаронинг сиёсий-дипломатик ечимини жадал излашга содиқлигини тасдиқловчи қўшма резолюция қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Саудия Арабистони Подшоҳлиги Валиаҳди, Бош вазири Муҳаммад бин Салмон Ол Сауд билан учрашув ўтказди.

Ўзбекистон — Саудия кўп қиррали муносабатларини янада кенгайтиришининг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Сўхбат аввалида давлатимиз раҳбари Ар-Риёддаги фавқуллода саммит ўз вақтида ташкил этилгани ва долзарб аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

Турли даражалардаги фаол мулоқот ва алмашинувлар давом этаётгани катта мамнуният билан қайд этилди. Ўзаро савдо ва инвестициялар ҳажми, қўшма корхоналар сонини охиб бормоқда.

“Яшил” энергетика, транспорт инфратузилмасини модернизация қилиш, коммуникациялар соҳасида, қишлоқ хўжалиги, саноатда янги қўшма лойиҳаларни илари суриш масалалари қўриб чиқилди.

Ўзбекистон иқлим ўзгаришига қарши курашиш ва Марказий Осиё экотизимини ҳимоя қилишга қаратилган халқаро экологик ташаббусларда фаол иштирок этмоқда.



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



yuz

ЎЗБЕКИСТОН БАРҚАРОР КЕЛАЖАК ЙЎЛИДА:

ЭКОЛОГИК ТАШАББУСЛАР ВА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

Бошланиши 1-бетда

Ўзбекистон 1993 йил 20 июнда БМТнинг Иқлим ўзгариши тўғрисидаги ҳадли конвенциясига қўшилган. 1999 йилда Киото протоколини ратификация қилган. 2017 йилда Париж битимини имзолаш орқали Ўзбекистон қатор мажбуриятларни, жумладан, 2030 йилгача ялпи ички маҳсулот бирлигига иссиқхона газлари эмиссиясини 2010 йилги даражадан 35 фоиз камайтириш бўйича асосий мажбуриятларни зиммасига олди.

БМТ ҳадли конвенцияси иштирокчиси сифатида Ўзбекистон иқлим бўйича мунтазам ҳисоботлар тайёрлайди ва конвенция котибиятига тақдим этади. Шунингдек, миллий маъруза, икки йиллик ҳисоботлар, мослашиш режалари, миллий миқёсда белгиланган бадалларни ишлаб чиқади ва янгиланади.

Президент Шавкат Мирзиёев 2023 йил 1 декабрь куни Дубайда бўлиб ўтган COP28 олий даражадаги сегментида сўзлаган нутқида иқлим ўзгариши масалалари бўйича мамлакатнинг позицияси, декарбонизация, иқлим ўзгаришига мослашиш, Орол денгизи экотизимини сақлаш ва тиклаш бўйича ҳамкорликка доир чора-тадбирлар тўғрисида маълумот берди.

Ўзбекистон иқлим ўзгаришига қарши курашиш ва Марказий Осиё экотизимини ҳимоя қилишга қаратилган халқаро экологик ташаббусларда фаол иштирок этмоқда. Асосий вазифалардан бири жиддий қарор етган Орол денгизини экотизимини тиклашдир. Ўзбекистон БМТнинг Оролбўйи минтақаси учун Инсон хавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик асосидаги Траст фондини ташкил этиш ташаббуси билан қўшди. Ундан мақсад ушбу минтақани иқлим ўзгаришига чидамли ҳудудга айлантиришдир.

Ўзбекистон CO₂ чиқиндисини камайтириш, қайта тикланадиган энергия манбалари ва экологик таъминни ривожлантириш мақсадида ЮНЕСКО билан “Яшил таълим” дастури бўйича ҳамкорлик қилиш тарафдори.

COP28 ва бошқа учрашувларда мамлакат атроф-муҳит муаммоларини биргаликда ҳал қилиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича умумий стандартлар яратиш учун минтақадаги мамлакатларни бирлаштирган “Бир минтақа, бир овоз” стратегиясини тақдим этиди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Барқарор ривожланиш мақсадларига, хусусан, “яшил” энергияни ривожлантириш, чиқиндиларни камайтириш ва сув ресурсларини бошқаришни такомиллаштириш орқали эришиш мажбуриятини олди. Углероддорларга қарамликни камайтириш учун қуёш ва шамол энергетикасини ривожлантириш лойиҳалари шулар жумласидан.

2022 йилда Тошкентда Глобал яшил ривожланиш институти (GGGI) офиси очилди. Бу ушбу ташкилотнинг МДХ ва Марказий Осиёдаги биринчи ваколатхонаси. GGGI мамлакатларнинг “яшил” иқтисодиётни ривожлантириш ва иқлим ташаббуслари орқали барқарор иқтисодий ўсишга ўтишни қўллаб-қувватлаш учун ташкил этилган халқаро ташкилотдир.

Институтнинг Ўзбекистондаги фаолиятиндан асосий мақсад иқлим ўзгариши шароитида минтақанинг барқарор ривожланиши ва экологик тикланишига қўмақлаштишга қаратилган. Муҳим дастурларидан бири Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA) томонидан молиялаштирилган Оролбўйи ҳудудида “Яшил қопламалар” барпо этиш лойиҳаси бўлди. Ушбу лойиҳа Орол денгизи қуриши

билан боғлиқ экологик инқироз оқибатларини енгиб ўтиш ва Қорақалпоғистонда “яшил” технологиялар ва барқарор деҳқончилик усуллари орқали аҳоли турмуш шароитини яхшилашга қаратилган.

Иқлим дастури бошқа халқаро форумлар доирасида ҳам фаол равишда илгари сурилмоқда. Хусусан, давлатимиз раҳбари ШХТ доирасида декарбонизация ва “тоза” технологияларни жорий этиш, “ақли” қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва сувни тежаш масалаларида мувофиқлаштириш ва амалий ҳамкорликни қучайтириш зарурлигини таъкидлади.

5-6 ноябрь кунлари Бишкекда бўлиб ўтган Туркий давлатлар ташкилоти саммитида Ўзбекистон етакчиси иқлим ўзгариши билан боғлиқ долзарб экологик муаммоларга ечим топиш учун вазирлар даражасида Туркий экологик кенгаш тузишни тезлаштиришни таклиф қилди.

Бу ташаббусларнинг барчаси Ўзбекистоннинг халқаро экологик сазй-ҳаракатларга ўз ҳиссасини қўиш ҳамда минтақа ва бутун сайёрамиз учун янада барқарор келажакни таъминлашга содиқлигини акс эттиради.

Ўзбекистон Президентининг Бокуда бўлиб ўтadиган тадбирда иштирок этиши мамлакатимизнинг “яшил” ўсиш ва ривожланишга содиқлигини, иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш бўйича сазй-ҳаракатларни бирлаштиришга таъйирлигини ҳамда БМТнинг Иқлим ўзгариши бўйича ҳадли конвенцияси, Киото протоколи ва Париж келишуви мақсадларига эришиш бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятларни тўлиқ бажаришини яна бир бор тасдиқлайди.

“Дунё” АА



САМАРҚАНД ДЕКЛАРАЦИЯСИ БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИНИНГ РАСМИЙ ҲУЖЖАТИ СИФАТИДА ТАРҚАТИЛДИ



Ўзбекистон ташаббуси билан ўтказилган “Маҳаллий аҳолининг турмуш даражасини оширишда маҳалланинг ўрни” мавзусидаги халқаро конференция декларацияси БМТ Бош Ассамблеяси расмий ҳужжати сифатида инглиз, араб, испан, хитой, рус ва француз тилларида тарқатилди.

Ўзбекистоннинг БМТдаги доимий ваколатхонаси маълумотига кўра, ҳужжат ташкилот журналида унинг барча расмий тилларида эълон қилинган ҳамда аъзо давлатлар ва ташкилотнинг таркибий бўлинмалари ўртасида кенг тарқалган.

БМТнинг расмий ҳужжати 2024 йил 2-5 октябрь кунлари бўлиб ўтган “Маҳаллий аҳолининг турмуш даражасини оширишда маҳалланинг ўрни” мавзусидаги халқаро конференциясининг Самарқанд декларациясига асосланади.

Унда маҳалланинг жамиятда тинчлик ва тотувликни таъминлаш, ёшлар ўртасида инсонпарварлик қадриятларини тарғиб этиш, авлодлар ўртасидаги мулоқотни мустаҳкамлашга бекиёс ҳисса қўшаётган ноб институт сифатидаги фаолияти батафсил ёритилган.

БМТ томонидан эълон қилинган материалда янги Ўзбекистонда маҳалланинг жамиятдаги макенини ошириш, ролини қучайтириш ва ваколатларини кенгайтиришга қаратилган изчил ҳамда тизимли ислохотлар,

шунингдек, унинг аҳоли муаммоларини ҳал этишда асосий ва муҳим бўгин сифатида ишлашини таъминлаш бўйича вазифалар қайд этилган.

Айниқса, маҳалла бутунги кунда жамиятнинг барча жабҳаларини ислохотларни амалга оширишга сафарбар этувчи фаол ва таъсирчан ижтимоий тузилмага, аҳоли ўз фикр-мулоҳазаларини, таклифларини, муаммоларини изҳор этиш, ечим топиш учун қулай масканга айлангани алоҳида таъкидланади.

Тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш орқали камбағалликни қисқартириш, ижтимоий ёрдам кўрсатиш орқали хотин-қизларни, ёшларни, жамиятнинг барча қатламларини қўллаб-қувватлашда маҳаллаларнинг муҳим ўрни тутушига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

БМТ ҳужжатида кўра, маҳалланинг БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишдаги ролини сезиларли даражада қучайтириш зарур. БМТ тузилмалари, жамғармалари ва дастурларида маҳаллага ушбу мамлакатда болалар учун бўлиши мумкин бўлган энг яхши нарсалар учун асосий манзил ва Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияни амалга ошириш учун қучли платформа сифатида қаралиши таъкидланди.

“ЮНИСЕФ маҳаллани ўғил-қизлар, жумладан, ногирон болалар соғлом улғайиши, тўғри овқатланиши, тоза сув ва санитария шароитлари, безорилик ва зўравонликлардан холи яшashi, тоза ҳаводан нафас олиши мумкин бўлган хавфсиз муҳит сифатида кўради. БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси маҳаллаларни фуқаролик жамиятининг муҳим элементи сифатида эътироф этиб, уларни адолат тамойилларига асосланган дастурлар орқали қўллаб-қувватлайди”, дейилади ҳужжатда.

Халқаро ташвиқотни қучайтириш ва жаҳон ҳамжамиятини маҳалланинг ўзини ўзи бошқариш тизими билан яқиндан таништириш ва халқаро ўзини ўзи бошқариш ташкилотлари билан ҳамкорликни ривожлантириш муҳимлиги қайд этилди.

“Дунё” АА

Нью-Йорк

Қонунчиликда янгилик

ОЛТИН БИЗНЕСИ

БУ СОҲАДА ҚОНУНИЙ ФАОЛИЯТ ЧЎНТАККА ДАРОМАД, УМРГА БАРОКАТ КЕЛТИРАДИ

Заминимиз фойдали қазилмаларга бой. Хусусан, қимматбаҳо металллар, углеводородлар, қимматбаҳо рангли тошлар, радиоактив металллар, қора металл, тоғ-кимё хомашёси, кўмир ва ёнувчи сланецлар, қурилиш материаллари каби фойдали қазилмалар олинадиган қўллаб конлар бор. Ҳозир тадбиркорлик субъектлари томонидан тегишли рухсатномалар асосида 2 мингдан зиёд фойдали қазилма қазиб олинмоқда.



Айниқса, қимматбаҳо металлларни олтин изловчилар усулида қазиб олиш ривожланиётти. Тадбиркорликнинг бир тури сифатида мазкур фаолиятнинг ҳам ҳуқуқий асослари яратилди. “Ер ости бойликлари тўғрисида”ги қонунга мувофиқ, тадбиркорлик тавakkалчилиги асосида қимматбаҳо металлларни олтин изловчилар усулида қазиб олишнинг амалга ошириш мақсадида ер қатъи участкалари юридик ва жисмоний шахсларга берилади. 2019-2023 йиллар мобайнида қимматбаҳо металлларни олтин изловчилар усулида қазиб олиш фаолияти учун жами 302 та рухсатнома расмийлаштирилган.

— Қўрилаётган чораларга қарамай, қимматбаҳо металлларни ноқонуний қазиб олиш ҳолатлари ҳамон кузатиляпти, — дейди Олий Мажлис Сенати Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари ва экология қўмитаси раиси ўринбосари Ботир Матмуродов. — Ўтган бир йилда қимматбаҳо металлларни ноқонуний йўл билан қазиб олиш билан боғлиқ 100 дан зиёд ҳолат аниқланган. Жиззах, Самарқанд, Навоий ва

“

Кодексда Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги ҳузуридаги Кон-геология фаолиятини назорат қилиш инспекциясининг фойдали қазилмаларни рухсатномасиз қазиб олиш ҳуқуқбузарлиги бўйича жазо чорасини қўллаш ваколати олиб ташланди. Яъни энди инспекция мазкур ҳуқуқбузарлик юзасидан фақат баённома расмийлаштиради ва белгиланган тартибда ишни судга оширади.

металларни ноқонуний қазииш давом этаётгани мазкур қилмишларни содир этганлик учун жавобгарликни қучайтиришни тақозо этмоқда.

Шу йил 28 октябрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларида ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ерни ва ер ости бойликларини асраб қолишга ҳамда муҳофаза қилишга қаратилган қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида”ги қонун айнан шунга қаратилган.

Қонун билан Жиноят кодекси янги моддалар билан тўлдирилиб, фойдали қазилмаларни рухсатномасиз қазиб олганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланди. Бундай ҳаракатлар маъмурий жазо қўлланилганидан кейин қайта содир этилган бўлса, базавий ҳисоблашнинг 100 баравари миқдоридидаги жаримдан тортиб, то 8 йилгача озодликдан маҳрум қилишгача бўлган қатъий жазо чоралари белгиланди.

Айни пайтда фойдали қазилмаларни олтин изловчилар усулида рухсатномасиз қазиб олиш тўғридан тўғри жиноий жавобгарликка олиб келиши белгиланиб, бунда ҳам базавий ҳисоблашнинг 100 баравари миқдоридидаги жаримдан тортиб, 8 йилгача озодликдан маҳрум қилишгача бўлган қатъий жазо чоралари белгиланди.

Жиноят-процессуал кодексга киритилаётган нормада мазкур жиноий қилмишлар юзасидан суриштирув ва дастлабки тергов ҳаракатлари ички ишлар органлари томонидан олиб борилиши назарда тутилган.

Фойдали қазилмаларни олтин изловчилар усулида рухсатномасиз қазиб олганлик учун тўғридан тўғри жиноий жавобгарлик белгиланаётгани сабабли ушбу ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексдан чиқарилди ва мос равишда фойдали қазилмаларни рухсатномасиз қазиб олганлик учун ушбу кодексда назарда тутилган норманинг санкцияси оғирлаштирилди.

Кодексда Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги ҳузуридаги Кон-геология фаолиятини назорат қилиш инспекциясининг фойдали қазилмаларни рухсатномасиз қазиб олиш ҳуқуқбузарлиги бўйича жазо чорасини қўллаш ваколати олиб ташланди. Яъни энди инспекция мазкур ҳуқуқбузарлик юзасидан фақат баённома расмийлаштиради ва белгиланган тартибда ишни судга оширади.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга киритилган муҳим янгиликлардан яна бири — ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш, бундай участкаларда қурилиш қилиш, шунингдек, ер бериш тартибини бузиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни содир этган шахсларга нисбатан маъмурий чора қўриш юзасидан ички ишлар органларига зарур ваколатлар берилди.

Қонунчилигимиздаги ушбу янгиликлар ер ва ер ости бойликларини асраш, мазкур соҳадаги ҳуқуқбузарликларнинг самарали профилактикасини таъминлашга хизмат қилади.

Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучга кирди.

Баҳор ХИДИРОВА,

“Янги Ўзбекистон” муҳбири

СПОРТДА ЭНГ МУҲИМИ — ТИЗИМ, ТАРТИБ, ТЕМИР ИНТИЗОМ ВА НАТИЖА



Адҳам ИКРОМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
спорт вазири

Бошланиши 1-бетда

Мазкур ҳужжатлар топшириқлар **ижросини самарали ташкил этиш** ва **таҳлил қилишнинг таъсирчан тизимини** яратиш, **тармоқ** ва **худудий ривожланиш** дастурларида белгиланган вазифаларни сўзсиз таъминлаш бўйича Вазирлар Маҳкамаси, республика ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг **шахсий жавобгарлигини кучайтириш мақсадига қаратилган**.

Бугунги кунда юқоридаги ҳужжат ижросини таъминлаш бўйича ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича вазирликда қатор ишлар қилинмоқда. Хусусан, қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этиш мақсадида “**Ijro.gov.uz**” электрон тизимидаги топшириқларни амалга ошириш механизmlарини муҳокама этиш юзасидан ҳар ҳафта муҳокамалар ўтказилиб келинмоқда.

Жумладан, ижро интизоми масаласини ҳар ҳафтанинг жума куни вазир ўринбосарлари ҳузурида, душанба кунлари вазир ҳузурида **тизмил равишда** муҳокама қилиб бориш амалиёти йўлга қўйилган.

Ижро интизомини янада мустаҳкамлаш ва 2024 йилдаги устувор вазифалар ижросини таъминлаш бўйича топшириқларнинг **кунбай таҳлили тасдиқланган календарь графиклар асосида** олиб боришмоқда.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда қабул қилинаётган қонун ва қонуности ҳужжатларнинг асосий функцияси давлат бошқарувини тартибга солиш, қабул қилинаётган ҳужжатларнинг сўзсиз ва ўз муддатида **ижросини**

таъминлашга йўналтирилгани билан аҳамиятли бўлмоқда. Қонун ҳужжатлари ижроси ўз вақтида таъминланмаслиги тараққиётимиз равнақиға, халқимизнинг эртанги кунга бўлган ишончига путур етказди, албатта.

Шундай экан, бугун барча вазирлик, идоралар ва ҳокимликлар учун **ижро интизомини таъминлаш** гоёт муҳим мақсад ва вазифа саналади.

Аввало, давлатимиз раҳбари томонидан имзоланаётган фармонлар, қабул қилинаётган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда мамлакат тараққиёти, **халқ манфаати ва фуқаролар фаровонлигини таъминлаш мақсади** кўзда тутилганини алоҳида эътироф этиш жоиз.

Сўнгги йилларда спорт йўналишида ҳам кенг кўламли ислохотлар кечмоқда. Соҳада Президент ва ҳукумат қарори ҳамда топшириқларида белгиланган вазифалар ижроси бўйича назоратни кучайтириш, масъулият ва жавобгарлик ҳиссини, айниқса, раҳбарларнинг шахсий жавобгарлигини оширишга асосий эътибор қаратилмоқда.

Хусусан, сўнгги уч йил давомида Президентнинг спорт соҳасига оид **76 та фармони, қарори** ва **ҳукумат қарорлари** қабул қилиниб, **соҳани ривожлантириш** бўйича **бир неча йўналишларда тегишли** ишлар қилинмоқда. Спорт таълими тизимини такомиллаштириш, оммавий спорт, спорт инфратузилмаси, олимпия ва паралимпия спорт турларини ривожлантириш ҳамда соҳани рақамлаштириш бўйича қатор ишлар амалга оширилди.

Шундан келиб чиқиб, вазирлик марказий аппаратда топшириқларни бажариш бўйича **КРП тизими** ишлаб чиқилган бўлиб, унда ходимлар ўзларига юклатилган вазифаларнинг натижадорлиги асосида рағбатлантириб борилади. Ушбу тизим ҳозирги кунда янада такомиллаштирилиб, ҳудудий тузилмалар ва тизим ташкилотларига жорий қилиш бўйича ташкилий ишлар бажарилмоқда.

Сўнгги йилларда давлат ва жамият бошқарувидаги самарали ислохотлар, замонавий бошқарув услублари кенг кўламда татбиқ этилиши, назорат ва ижронинг юритиш шакллари такомиллашгани каби қатор ишлар, давлат бошқаруви тизимидаги турли бугун раҳбарлари шахсий жавобгарлигини ошириш бўйича қўрилган қатъий чора-тадбирлар **ёшлар ва спорт соҳасидаги муҳим вазифаларни бажариш имконини бераётгани яққол кўзга ташланмоқда**.

Қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларини пухта ишлаб чиқиш ҳамда қабул қилишнинг таъсирчан амалиётини шакллантириш, уларни аниқ ижрочилар, кенг жамоатчилик, шунингдек, аҳолига тезкор етказиш, иқтисодий, ижтимоий ислохотларни чуқурлаштириш, жорий, ўрта муддатли ва истиқболдаги вазифаларни самарали амалга ошириш бўйича шошилинч, тезкор чоралар

қўриш бўйича амалий ҳаракатлар юқорида қайд этилган ҳужжатда аниқ белгилаб берилган.

Қўйилган вазифалар ўз вақтида бажарилишининг самарали усули замонавий технологияларни жорий қилишдир. Электрон муҳитда ҳужжатлар алмашинувини янада фаоллаштириш ортиқча қоғоз, вақт ва бошқа молиявий исрофгарчиликларнинг олдини олиш баробарида белгиланган вазифаларнинг ижросига ўз вақтида етиб боришини ҳамда халқнинг муаммоси ўз вақтида ҳал этилишини таъминлайди.



Бугунги кунда қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижроси амалда назорат қилиниши ташкил этилган бўлиб, бунда вазирлик ҳамда унинг тизим ташкилотларида ишларнинг реал ҳолатини танқидий ўрганиш, шунингдек, электрон маълумотлар базаси асосида “**Ijro.gov.uz**” ижро интизоми идораларо ягона электрон тизимида ўз вақтида ҳисобот берилишига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Вазирлик томонидан Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президентнинг ҳужжатлари ва топшириқларини ўз вақтида, сифатли ва тўлиқ ижро этилиши юзасидан “**технологик заңжир**” асосида **Адлия вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси** ва **Ҳисоб палатаси** билан биргаликда тизимли ишлар қилинмоқда.

Қонун ҳужжатлари ва юқори турувчи органлар топшириғи ижросининг ўз вақтида

“**АСОСИЙ ВАЗИФАМИЗ ИЖРО ИНТИЗОМИНИ ТАЪМИНЛАШ, ҲАР БИРИМИЗ ЎЗ ВАЗИФАМИЗГА СИДҚИДИЛДАН ЁНДАШИШ ҲАМДА “СПОРТДА ЭНГ МУҲИМИ — ТИЗИМ, ТАРТИБ, ТЕМИР ИНТИЗОМ ВА НАТИЖА” ШИОРИ БИЛАН ҲАР КУНЛИК ИШ ЖАРАЁНИМИЗНИ ТАШКИЛ ЭТИШИМИЗ ЗАРУР.**”



бажарилиши бўйича жавобгарлик вазирликнинг барча бўғинлари раҳбарларига юклатилди.

Шу билан бирга, соҳа мутахассисларига ижро интизомининг аҳамияти ва зарурати ҳақида билими, ҳужжатлар билан ишлаш бўйича малакасини оширишга қаратилган амалий машғулотлар мунтазам ўтказиб боришмоқда.

Спорт вазирлиги масъул бўлган ҳужжатлар ва топшириқлар таҳлил қилинганда, **2024 йилнинг январь-октябрь** ойлари давомида “**Ijro.gov.uz**” электрон тизимида назоратта олинган **жами 866 та** топшириқнинг ижроси ўз вақтида **таъминлангани кўринади**.

Шунингдек, **2024 йил ноябрь-декабрь** ойларида муддати келадиган топшириқлар **жами 415 тани** ташкил этиб, шундан бугунги кунда **95 таси** бажарилган, **320 тасининг**

ижросини **жорий йил 20 декабр**га қадар бажариш чоралари кўрилмоқда.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган маъмурий ислохотлар **Спорт вазирлиги тизимида** қанчалик самара бераётгани ҳақида тўхталиб ўтсак.

Сўнгги 2 йилда спорт инфратузилмаси яхши ривожланмаган ҳамда олис ва чекка ҳудудлардаги маҳаллаларда намунавий типдаги **мингта яқин спорт майдончаси** барпо этилди, жорий йилда **400 таси** қурилиб, фойдаланишга топширилди.

2024 йил якунига қадар оммавий спортдаги ёшлар қамровини **10 миллионга етказиш** учун умумтаълим мактабларининг **3,5 миллион, олий ва профессионал таълим тизимида қарийб 1,5 миллион ўқувчи** ва талаба билан ишланмоқда.

Олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказлари фаолияти янгидан йўлга қўйилиб, **спортчиларни индивидуал тайёрлаш** ҳамда илк бор **паралимпия йўналишида** спортчиларни тайёрлаш тизими яратилди.

Миллий терма жамоалар аъзолари 2022 йилдаги 7502 нафардан 9146 нафарга (5629 нафар асосий ва 3517 нафар захира) етказилди.

Олимпия спорт турлари бўйича халқаро ҳамда комплекс мусобакаларда спортчиларимиз томонидан **986 та**, шундан **274 та олтин, 298 та кумуш** ва **414 та бронза** медал қўлга киритилди.

Бундан ташқари, Париж шаҳрида (Франция) бўлиб ўтган XXXIII ёзги Олимпия ўйинларида Ўзбекистон спорт делегациясини муваффақиятли иштирок этди.

Мазкур Олимпия ўйинларида Ўзбекистон ўз тарихида **энг кўп таркиб** билан, яъни **19 та** спорт тури бўйича **90** спортчи билан иштирок этди.

Ўзбекистон спорт делегацияси **5 та спорт туридан** (бокс, дзюдо, таэквондо, эркин кураш, оғир атлетика) жами **13 та медал**, шундан **8 та олтин, 2 та кумуш, 3 та бронза** билан умумжамоа ҳисобида **13-ўринни** эгаллади.

Паралимпия ўйинларида делегациямиз **6 та спорт туридан** (пара енгил атлетика, пара дзюдо, пара таэквондо, пара пауэрлифтинг, пара сузш, пара ўқ отиш) жами **26 та медал**, шундан **10 та олтин, 9 та кумуш, 7 та бронза** билан умумжамоа ҳисобида **13-ўринни** қўлга киритди.

Келгусида Ўзбекистонда бир қанча спорт турлари бўйича нуфузли спорт мусобакалари ўтказилиши режалаштирилган.

Жумладан, **2025 йилда ёшлар ўртасида ёзги Осиё ва Парасиё ўйинларини Тошкент шаҳрида ташкил этиш** ва ўтказиш бўйича зарур чоралар кўрилмоқда.

2026 йилда 46-жаҳон шахмат олимпиадаси ҳамда **FIDE**нинг навбатдаги конгресси ўтказилди.

2028 йилда Лос-Анжелес шаҳрида (АҚШ) бўлиб ўтадиган XXXIV ёзги Олимпия ва XVII Паралимпия ўйинларида Ўзбекистон спорт делегациясининг тайёргарлиги ва муносиб иштирок этишлари таъминланди.

Қўрилган чоралар ва белгиланган вазифалар вазирлигимиз олдида турган муҳим дастур ва режаларнинг ижросини таъминлашда муҳим аҳамият касб этди.

Бу жараёнда асосий вазифамиз, юқорида таъкидлаганимиздек, ижро интизомини таъминлаш, ҳар биримиз ўз вазифамизга сидқидилдан ёндашиш ҳамда “**Спортда энг муҳими — тизим, тартиб, темир интизом ва натижа**” шиори билан ҳар кунлик иш жараёнимизни ташкил этишимиз зарур.



Ўзбекистон касаба уюшмалари саройида 11 ноябрь — Ўзбекистон касаба уюшмалари кунига бағишланган тантанали байрам тадбири бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси, ҳудудий ва тармоқ касаба уюшмалари республика кенгашлари, тасарруфдаги ташкилотлар раҳбарлари, ҳамкор вазирлик, идора ва ташкилотлар, халқаро ташкилотлар, Халқаро касаба уюшмалари бирлашмалари, хоржий давлатлар касаба уюшмалари ташкилотлари мутасаддилари, Ўзбекистон касаба уюшмалари фахрийлари ва фаоллари ҳамда турли соҳада фаолият юритаётган меҳнаткашлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси давлат мадҳияси билан бошланган тантанали байрам тадбирини ёш истеъодлар ижросидаги ватан, тинчлик, меҳнаткашлар ва халқлар дўстлигини мадҳ этувчи куй-қўшиқлар давом эттирди. Тадбирда инсон манфаатларини таъминлаш йўлида ўтган 7-8 йилда халқимиз турмуш даражаси ва фаровонлигини ошириш, халқаро алоқаларини мустаҳкамлаш, Ўзбекистон нуфузини дунё миқёсида юқори поғонага кўтариш борасида тизимли ислохотлар амалга оширилиб, салмоқли натижаларга эришилгани таъкидланди. Шунингдек, ушбу ютуқлар бугун жамиятимиз ҳаёти ва халқимиз турмушидаги ижобий ўзгаришларда намён бўлаётгани, янги Ўзбекистон фуқаролари янгича дунёқараш билан янгича ҳаёт кечи-раётгани қайд этилди.

Ҳақиқатан, инсон қадри учун қилинаётган улкан ва тизимли ишлар давлатимиз ва

11 ноябрь — Ўзбекистон касаба уюшмалари кун

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ КАСАБА УЮШМАЛАРИ

жамиятимизни тараққиётнинг мутлақо янги босқичига олиб чиқди. Янги Ўзбекистоннинг бу борадаги ютуқлари ва қўлга қир-и-таётган натижалари бугун халқаро миқёсда тан олинди, юксак эътирофларга сазовор бўлмоқда. Изчил ўзгариш ва янгиланишлар, аҳолининг турли тоифаси, айниқса, хотин-қизлар ва ёшларга кўрсатилаётган эътибор, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасидаги тизимли ишлар туфайли юртдошларимизнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ва ташаббускорлиги ортиб, янги марралар сари интиломоқда.

Таъкидланганидек, сўнгги йилларда Ўзбекистонда давлат, касаба уюшмалари ва иш берувчилар ўртасидаги ижтимоий шериклик учун яратилган кенг имконият-

лар натижасида мамлакатимиз касаба уюшмалари фаолияти янги ривожланиш босқичига кирди. Янги Ўзбекистоннинг янги касаба уюшмалари юртимиздаги ислохотлар, янгиланиш ва ўзгаришлардаги фаоллигини янада ошириб, турли соҳа ходимларининг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат соҳасидаги ҳуқуқларини ҳимоялаш борасида тизимли ишларни бажариб келмоқда.

Хусусан, бугун халқ ташкилотига айланган касаба уюшмалари Вазирлар Маҳкамаси, Касаба уюшмалари федерацияси ва Иш берувчилар конфедерацияси ўртасида им-золанган бoш жамоа келишуви, амалдаги 102 та тармоқ келишуви ҳамда 118 минг-га яқин жамоа шартномаси орқали

меҳнаткашлар ва оила аъзоларининг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш, иш ҳақи ўз вақтида тўланиши, меҳнатга ҳақ тўлашининг энг кам миқдори стандартлари-га иш берувчилар томонидан рива этилиши бўйича жамоатчилик назорати юритиш каби ишларни удалаб келмоқда. Касаба уюшма-лари инспекторлари томонидан жорий йил-нинг 9 ойида 3095 та ташкилотда жамоат-чилик назорати ўтказилди. Келиб тушган 4020 мурожаатни кўриб чиқиш натижалари-га кўра, жами 62 минг 656 шахснинг ҳуқуқ-тикланиб, ходимлар фойдаларига қарийб 61,5 миллиард сўм ундириб берилди. Нодавлат секторидagi ходимларнинг ҳам жамоа шарт-номасидаги имтиёз ва кафолатлардан фой-даланишини таъминлаш мақсадида уларни касаба уюшмаларига жалб этиш борасида-ги саъй-ҳаракатлар туфайли 2023 йилнинг ўзида кичик бизнес субъектлари ва хусу-сий секторда фаолият юритаётган 311 минг, 2024 йилнинг 9 ойида эса қарийб 13 мингта яқин корхона ва ташкилотда меҳнат қилаёт-ган 323 мингта яқин ходим касаба уюшмаси аъзолигига жалб этилди.

Касаба уюшмаларининг ходимлар ва оила аъзоларини соғломлаштириш йўналишидаги ишлари ҳам сифат ва миқдор жиҳатидан янги босқичга кўтарилди. Хусусан, Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси томонидан ўтган йили Сурхондарё вилоятидаги тоғ-лар бағрида янги ва замонавий “Сангардак” санаторийси барпо этилиб, фойдаланишга топширилган бўлса, жорий йилда Хоразм вилоятида халқаро стандартларга мос бўл-ган 200 ўринли “Хонқа” санаторийси қури-либ, меҳнаткашлар ихтиёрига берилди. Бу каби бунёдкорлик ишлари натижасида 2017 йили Ўзбекистон касаба уюшмалари феде-рацияси тизимидаги санаторий ва дам олиш



уйларидagi 5257 та ўрин сон

ида қадар 160 мингдан ортиқ киши соғломлаштирилди. 190 та стационар турдаги оромгоҳда эса қарийб 162,5 минг бола дам олди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари кунига бағишланган тантанали тадбирда ватани-миз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини ошириш йўналишидаги ишларда фаол ишти-рок этаётган, меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда касаба уюшмалари фаолияти ривожига муносиб ҳисса қўшиб келаётган бир гуруҳ юртдошимиз Ўзбекистон касаба уюшмалари федерациясининг “**Эҳтиром**” нишонин билан тақдирланди. Сувриндорлар-га нишон, пул мукофоти ва гувоҳномалар топширилди.

Шундан сўнг кўп йиллик самарали меҳ-нати, эришган алоҳида ютуқлари билан соғ-лиқни сақлаш, илм-фан, маданият ва спорт соҳаларини ривожлантириш, шунингдек, касаба уюшмаларининг нуфузини юксал-тиришга муносиб ҳисса қўшиб келаётган

юртдошларимиз ва халқаро ҳамкорларни қў-ллаб-қувватлаш, рағбатлантириш мақсадида таъсис этилган “**Ўзбекистон касаба уюш-малари федерацияси лауреати**” мукофоти-нинг 2024 йилги сувриндорлари тақдирланди. Хусусан, намунали фаолияти билан барчага ўрнак бўлаётган, эришган алоҳида ютуқлари билан меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисо-дий манфаатлари ҳимоясини таъминлаш ҳам-да аҳолининг турмуш даражасини ошириш ва саломатлигини муҳофаз қилиш, шунингдек, касаба уюшмалари фаолиятини такомиллаш-тиришга салмоқли ҳисса қўшиб келаётган юртдошларимиз қаторида Халқаро меҳнат ташкилотининг Меҳнаткашлар фаолияти бў-йича бюроси директори Мария Хелена Андре, Грузия касаба уюшмалари конфедерацияси раиси Ираклий Петриашвили, “**Turk-iz**” (“Турк иш”) касаба уюшмалари конфедерацияси президенти Эргун Аталай ҳам “Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси лауреати” мукофотига муносиб кўрилди.

Тантанали тадбир якунида байрам концерт дастури намойиш этилди.

Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА,
Ўзбекистон касаба
уюшмалари федерацияси
ахборот хизмати раҳбари

КАМБАҒАЛЛИКДАН ФАРОВОНЛИК САРИ

Кўхна дунё тарихини ўргана туриб, бир пайтлар сайёрамазининг фаровонлик нуктаси бўлган қадимги Рим аҳолисининг 60 фоизидан кўпроғи қашшоқ яшаганига кўзим тушди. Камбағаллик даражаси нисбий тушунча, у муайян даврларда ўша маконнинг умумий фаровонлик даражасига боғлиқ бўлган. Қадимги Рим қашшоқлари жуда оғир кун кечирган одамлар бўлиб, биологик тирик қолишни таъминлайдиган минимал эҳтиёжларини зўрга қондириш имконига эга эди.

Асрлар оша камбағаллик тушунчаси, меъёрлари муайян жамиятдаги умумий ҳаёт стандартлари асосида ўзгариб борди. Бугун камбағаллик меъёрининг асоси моддий-маиший таъминоти кўрсаткичлари, оилавий даромад ёки истеъмол харажатларининг минимал миқдори кўринишида намоён бўлмоқда. Камбағаллик мавзуси йиллар давомида Ўзбекистонда мавҳум саналар эди. Аммо ҳар қандай ишнинг ечимида унга тўғри ёндашиш, муаммони ҳал этиш учун эса унинг борлигини тан олиш лозим. Йиллар давомида ёпиқ мавзу бўлиб келган, “кам таъминланган”, “эҳтиёжманд” каби жумлалар билан ўзига хос тарзда ифодаланган бу сўз кейинги йилларда баралла айтимокда. Камбағалликни камайтириш чоралари кўриломқда. Бугун камбағалликдан чиқишга эмас, балки фаровонлик сари етаклаётган ҳаракат — халқона ислохотлар янги ташаббусларга, аввало, оддий одамлар қалбида муайян янгиланишларга, яшаш ва турмуш тарзини бутунлай ўзгартириб юборишга асос бўлмоқда.

Тоғдек юксалаётган инсон қадри

Баян улкан тоғ ҳам ёнида турсанг оддий туюлаверади. Сал четроқдан назар ташланса, унинг нечоғлиқ улугворлигини ҳис этиш мумкин. “Инсон қадри учун” тамойили шу каби кўплаб ташаббусларда, амалиётларда ифодасини топаётган бўлса-да, баян бу ўзгаришларни илғамаймиз. Гўё шунга келганда онгимиз ношукурлик қобинида зирҳлангандек.

Конфликт айтиди: “Энг яхши нарсасига эга бўлган эмас, балки ўзидангир бор нарсани энг яхши деб билган киши бахтлидир”. Қўпичча бахтимиз бизда ҳали мавжуд бўлмаган натижага боғлиқ деб ўйлаймиз. Биз бор нарсамизни қадрлаш ўрнига нима етишмаётгани ҳақида ўйлаймиз. Инсон руҳияти шундай тузилгандек.

Камбағаллик мавжудлиги тан олинishi соҳага ёндашишда дастлабки бурилиш нуктаси бўлди. 2020 йилда бу борада кенг кўламли ишларга киришилганда 23 фоиз аҳоли даромади камбағаллик чегарасига етмасди. Иш бошидан аҳолини камбағалликдан чиқариш учун давлат томонидан бир неча дастурлар асосида имтиёзли кредитлар ажратилди, субсидия берили бошланди, меҳнат қиламан деган оилаларга ер берилди. Қўлида хунари йўқларга аввал касб-хунар ўргатилиб, уш билан таъминланди. Кўрилган чоралар натижасида Ўзбекистонда камбағаллик даражаси 2022 йил бошида 17 фоизга, 2024 йилга келиб, 11 фоизга тушди. 2030 йилга қадар эса ушбу кўрсаткични кескин қисқартириш режа қилинган.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида “Ҳар бир инсон ўзи ҳамда оиласи саломатлиги ва фаровонлигини таъминлаш учун зарур турмуш даражасига, жумладан, кийим-кечак, озиқ-овқат, тиббий хизмат ва зарур ижтимоий хизматга эга бўлишга ҳамда ишсизлик, касаллик, ногиронлик, бевалик, қариллик ёки унга боғлиқ бўлмаган шарафларга кўра тирикчилик учун маблағ бўлмай қолган бошқа ҳолатларда таъминланиш ҳуқуқига эга”лиги белгиланган. Шунга кўра, камбағаллик даражаси ўлчови, унинг чегараси асосий

товар ва хизматлар (оziқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечак, турар жой ҳақини тўлаш, сув билан таъминлаш, электр энергияси, мактаб таълими, тиббий хизмат) учун зарур бўлган даромадлар сифатида белгиланган. Президентимиз таъкидлаганидек, “**Ортимизда яшаётган ҳар қайси инсон мишлати, тили ва динидан қатъи назар, эркин, тинч ва бадавлат умр кечирishi, бугунги ҳаётдан рози бўлиб яшатиш бизнинг бош мақсадимиздир**”.

Фаровонлик омиллари шу кунга қадар кўпгина ислохотларда — валюта бозори эркинлаштирилиши, нақд пул билан боғлиқ муаммолар бартараф этилиши, давлат



хизматлари ривожлантирилиши, ортиқча бюрократияга барҳам берилиши, мажбурий меҳнат, шу жумладан, болалар меҳнати тутатилиши, аҳоли мурожаатлари билан ишлаш ҳамда оддий одамлар ва раҳбарлар ўртасидаги “девор қулаши”, инсон ҳуқуқлари кафолатлари кучайтирилиши, олий таълим тизими ривожлантирилишида ўз аксини топтомоқда. Бунда олий ўқув юрталарига қабул қилинган оқирлиши, хорижий ОТМлар филиаллари очилиши, тадбиркорлик муҳити яхшиланиши каби ҳаракатлар қўл келди.

Бунда ИСЛОҲОТЛАР ИЗЧИЛЛИГИ
КАТТА АҲАМИЯТ КАСБ ЭТАДИ

КўРИЛГАН ЧОРАЛАР
НАТИЖАСИДА
ЎЗБЕКИСТОНДА
КАМБАҒАЛЛИК ДАРАЖАСИ
2022 ЙИЛ БОШИДА
17 ФОИЗГА, 2024 ЙИЛГА
КЕЛИБ 11 ФОИЗГА ТУШДИ.
2030 ЙИЛГА ҚАДАР ЭСА УШБУ
КўРСАТКИЧНИ КЕСКИН
ҚИСҚАРТИРИШ РЕЖА
ҚИЛИНГАН.



Инсон эҳтиёжларида озиқ-овқат алоҳида ўрин тутди. Сўнгги йилларда жон бошига тўғри келадиган энг муҳим озиқ-овқат товарлари бўйича истеъмол ҳажми, сарф-харажатлар миқдори сезиларли равишда кўпаймоқда.



Аҳоли барча қатламларининг муносиб ҳаёт кечирishiни таъминлаш борасида сўнгги йилларда халқчилик солиқ ва бюджет сиёсати йўлга қўйилди. Бу, энг аввало, бюджет жараёнлари очиқлиги ва шаффофлигини янада ошириш, маблағ сарфланиши устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш борасидаги қатор ишларда ўз аксини топтомоқда. “Очиқ бюджет” портали, шу жумладан, “Ташаббусли бюджет”, “Менинг йўлим”, “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” лойиҳаларини шакллантириш, бюд-

Ўз кўчасини обод қилиш имкони

жет маблағларини уларга устувор равишда йўналтиришда одамларнинг фаол иштирокини таъминлаш механизмлари янада такомиллаштирилди. Натижада бу лойиҳалар орқали аҳоли ўз овози билан маҳалласи, маконини обод қилиш, инфратузилмасини яхшилаш имконига эга бўлди.

Юрт тараққиёти ва халқ фаровонлиги, биринчи навбатда, ижтимоий соҳадаги ислохотлар самараси билан чамбарчас боғлиқ. Иқтисодчилар фикрича, камбағалликка қарши пул билан эмас, ақл ва билим билан курашиш зарур. Шу мақсадда ёшларга муносиб таълим бериш, илм-фанга интилишини рўёбга чиқариш, мактабгача таълим тизимини ривожлантириш, умуман, таълим жараёнлари сифати тубдан яхшиланимоқда. Илгари олийоҳларга ўқишга кириш жуда қийин эди. Қвоталар кам, қабул имтиҳонларида турли муаммолар бор эди. Бу масалалар ҳисобга олиниб, олий таълимга қабул қилинган йилдан йилга фарзанди 2010 йилда 524 минг 236 та (квартира) уй-жой мавжуд бўлган бўлса, охириги маълумотга кўра, аҳолини уй-жой билан таъминлаш ва ипотека бозорини янада ривожлантиришга қаратилган самарали ислохотлар натижасида уй-жойлар сони 841 минг 896 тага етган.

Истеъмол қажми ортмоқда

Аҳолини нон ва нон маҳсулотлари билан мустақил таъминлаш мақсадида қилаётган ҳаракатлар натижасида бугунги етиштириш кўпаймоқда. Шу билан бирга, аҳоли сонига нисбатан даромадлари юқори суратлар билан кўпайгани сабабли маҳсулотлар серибонлиги таъминланиб, нарх-наво барқарорлигига эришилмоқда.

Самарқандда 2024 йилда барча тоифадаги ҳўжалардан 151 минг тонна гўшт, 690 минг тонна сут, 525,9 миллион дон тухум ишлаб чиқарилиб, аҳоли дастурхонига етказиб берилган.

Жаҳон амалиёти кўрсатадики, биргина иқтисодий воситалар кўмағида камбағаллик

билан курашиб бўлмайди. Бунинг учун давлат сиёсати даражасидаги жиддий сай-ҳаракатлар керак. Иқтисодийётдаги ютуқлар ва ресурслардан аҳолининг заиф қатламлари ҳам баҳраманд бўлсагина, камбағаллик қисқаради. Аҳолига ер берилиши, субсидиялар ажратилиши, касбга ўқитилиши, замонавий инновацион ускуналар билан таъминланиши, шунингдек, уларга ёндош инфратузилмалар яратилиши каби халқчил ислохотлар фондида бу чора-тадбирлар муваффақиятли амалга ошириляпти.

Шўҳрат НОРМУРОДОВ,
журналист

Ижтимоий ҳимоя

ЯХШИЛАРНИНГ БОРИГА ШЎҚР

Фарғона туманидаги Нишонбу Эргашева ёлғиз яшайди. Ҳаётнинг турли талафоти билан сабр-бардош билан енгиб келаётган мушфиқ она кексалик туфайли хассаса суяниб қолган. Ҳаракатланиш, уй ва маиший юмушларни бажаришда бирмунча қийинчиликларга дуч келаётганди.

“Инсон” ижтимоий хизматлар маркази томонидан Нишонбу Эргашеванинг йўқолган ҳўжатларини тиклаш, якка-ёлғизлик нафақаси тайинлаш билан боғлиқ амалий ишлар бажарилмоқда. Қиш мавсуми учун кўмир жамғариш мақсадида маҳалла фуқаролар йиғинига керакли тақдимнома киритилди. Камбағал, ишсиз, жисмоний имконияти чекланган, ёрдам ва хизматлар кўрсатишга муҳтож аҳоли қатламини аниқлаш ва манзилли ёрдам кўрсатиш тизимидаги ислохотлар кўлими кенгайди. Авваллари ижтимоий хизмат маҳалла даражасида тўлиқ қамраб олинмаган, фақат кекса ёшдаги фуқароларга хизмат кўрсатилган бўлса, энди бошқаруvingннг энг қўйи бўғими — маҳалла даражасида профессионал ижтимоий хизматлар кўрсатиш йўлга қўйилди.

— Фарғона вилоятида ногиронлиги бўлган 93 минг 356 шахс ва ўзгалар парварishi-га муҳтож қарийб 2100 га яқин ёлғиз кексага

“Инсон” ижтимоий хизматлар маркази ва ижтимоий ҳодимлар томонидан манзилли ёрдам кўрсатилмоқда, — дейди Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Фарғона вилояти бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи Абуназар Салимов. — Президентимизнинг

2023 йил 27 декабрдаги “Ўзгалар парварishi-га муҳтож кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига биноан вилоятимизда ўзгалар парварishi-га муҳтож,

ёлғиз кексалар реестридаги 270 шахснинг яшаш шароити қайта баҳолаб чиқилди. Уларнинг 1929 нафари чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилди. 135 ёлғиз яшовчининг турар жой шароити мослаштирилди, 97 ёлғиз кексанинг қариндошлари ва яқин инсонлари ўртасидаги муносабат тикланишига эришилди. Ўзгалар парварishi-га муҳтож ёлғиз кекса реестрида турувчи 944 шахс эса қонун ҳўжатларида бепул берилиши назарда тутилган дори-дармон билан таъминланди.

Факат бугина эмас. “ИНМА Sanatoriу” модули ишга туширилгач, ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларга агентлик тасаруфидида санаторийларда дам олиб, саломатлигини тиклаш учун зарур шароит яратилди. Ўтган 10 ойда вилоятдаги ижтимоий ҳимояга муҳтож 3810 шахс йўлланма асосида санаторийларга юборилди. Тазийқ-ка учраган хотин-қизлар ва вояга етмагандарга психологик ёрдам кўрсатиш, ногиронлиги бўлган шахсларнинг бандлигини таъминлаш, паспорт турларига кенг жалб қилиш борасида ҳам муайян натижаларга эришилмоқда.

Ўзбекистон тумани “Янги ҳаёт” маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Ўлмасхўжа Зокиров ва турмуш ўртоғи иккинчи гуруҳ ногирони. Улар Фарғона шаҳридаги имконияти чекланган шахслар учун ихтисослаштирилган касб-хўнар мактабидида тикувчилик йўналишида бирга ўқиб, турмуш қурган. Икки фарзанди бор. Аммо шу кўнга қадар ишсиз эди. “Инсон” ижтимоий хизматлар марказининг амалий кўмағи билан бу оила муҳтим даромадди иш билан таъминланди.

— Бизга ҳар жиҳатдан амалий ёрдам кўрсатилмоқда, — дейди хонадон соҳиб

Ўлмасхўжа Зокиров. — Қоровул бўлиб ишлапман. Бўш вақтимда қўйда тикувчилик билан шуғулланаман. Баъзилар чеварлик йилгитга хос касб эмас, бошқа хўнар ўрган, дейди. Мен уларнинг фикрига қўшилмайман. Ҳар қандай хўнар истак, билим ва тафаккурга асосланди. Шу хўнар ортдан рўзгор тебрат-ялмиз, фарзандларимизни ўқитиб, уй-жойлар қурдик. Буларнинг барчаси, аввало, эътибор ва ғамхўрлик, меҳнатларимиз самараси деб ўйлайман.

Оғир вазиятга тушган ёки бунинг эҳтимоли юқори бўлган оилаларга “кей менежмент” асосида ижтимоий хизмат ва ёрдамлар кўрсатилиши кутилганидек самара бермоқда. Йил бошидан буён 15 мингдан зиёд оилани оғир ижтимоий вазиятдан чиқаришга қаратилган ижтимоий иш очилиб, 13 600 дан ортиқ кейс ижобий якунланди. Бундан ташқари, “Инсон” ижтимоий хизматлар” ахборот тизими-га 133 минг 775 та ариза киритилди, 100 минг 895 фуқарога турли ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатилди. Оғир вазиятга тушган ёки бунинг эҳтимоли юқори бўлган 2886 та оилга “Саҳоват ва кўмак” жамғармаси ҳисобидан 2 миллиард 232 миллион сўмдан зиёд моддий ёрдам берилди.

Қисқаси, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолини кўплаб-қувватлаш, манзилли ёрдам кўрсатишининг самарали тизими ҳаётга татбиқ этилаётгани меҳр, эътиборга муштоқ кишилар, ногирон, якка-ёлғизлар қалбига қувонч ва умид бағишламқда. Эртанги кўнга ишончини оширмоқда.

Расулжон КАМОЛОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

2024 йил — Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили

ЎЗ ИШИНING УСТАСИ БЎЛИШ КЕРАК

Илғор муҳандислик мактаблари етук мутахассис тайёрлашни кўзлаган

Ўқтам САЛОМОВ,
техника фанлари доктори, профессор

Замонавий технологиялар ва инновациялар тез суръатлар билан ривожланиб бораётган ҳозирги даврда юқори малакали муҳандис кадрлар тайёрлаш жамият ва иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши учун зарурдир. Мамлакатимизда йилига 3 мингта sanoat корхонаси ишга туширилиб, уларда 150 минг атрофида иш ўрни яратилмоқда. Шундан 35 мингтаси техника йўналишида. Юртимизда бу йўналишдаги 36 та давлат олий таълим муассасасини йилига 67 минг талаба битирмоқда. Уларнинг sanoat корхоналарида ўз мутахассислиги бўйича иш билан таъминланиши эса бевосита таълим сифатига боғлиқ.

Ҳозир иқтисодиёт тармоқлари, sanoat ва ишлаб чиқариш тараққиёти учун барча шароитлар мавжуд, уларнинг ўсишига тўққинлик қилаётган муҳим омил эса сифатли кадрлар, яъна аникроқ айтсак, ўз ишининг устаси бўлган муҳандислар, техник ходимлар, технологлар етишмаётгандир.

Президентимизнинг 2024 йил 21 февралдаги “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги фармонида ҳам муҳандислик соҳасида кадрлар тайёрлайдиган олий таълим муассасалари ташкилий-бошқарув фаолиятини такомиллаштириш, илмий фаолият самардорлигини ошириш ва моддий-техник таъминотини мустаҳкамлаш бўйича вазифалар белгиланган.

Жорий йил 20 июнь кунин Президентимиз раҳбарлигида муҳандислик соҳаларида кадрлар тайёрлаш ва



олий таълим муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш масалалари юзасидан ўтказилган йиғилишда соҳадаги муаммоларга ечим сифатида илгор муҳандислик мактабларини ташкил этиш кўрсатиб ўтилди. 10 та таълим муассасасида илгор муҳандислик мактаблари очилиши белгиланди. Фарғона политехника институтини ҳам sanoat муҳандислиги мактабларини ташкил этиш режалаштирилган.

Институт илгор муҳандислик мактабларини ташкил этиш бўйича хорижий тажрибалар асосида ўз концепциясини ишлаб чиқди. Хусусан, Италиянинг Турин ва Милан политехника университетлари таъсисчилигида ташкил этилган Alta Scuola Politecnica, АКШнинг Penn State University томонидан таъсис этилган HONOR PROGRAMS, Россиянинг Н.Э.Бауман номидаги Москва давлат техника университети ва Буюк Петр номидаги Санкт-Петербург политехника университети томонидан ташкил этилган илгор муҳандислик мактаблари фаолияти ўрганилиб, таҳлил қилинди. Ушбу тажрибалардан келиб чиқиб, институтда икки йиллик махсус магистратура дастурлари бўйича “соҳа — корхона — олийгоҳ” тамойили асосида ўқув-илмий тузилма сифатида илгор муҳандислик мактаблари фаолиятини йўлга қўйиш, “муаммо — тадқиқот — маҳсулот” тамойилида таълим кластерини ташкил этиш мақсад қилинган.

Дастлабки босқичда олий муҳандислик мактабида машинасозлик, электротехника, энергетика ва кимё технологияси мутахассисликлари бўйича махсус магистратура дастурлари йўлга қўйилди. Магистратура дастурларида дастлабки йилда кадрлар буюртмачилар талаблари асосида шакллантирилган ўқув режалар бўйича ўқитилди. Таълим дастурларига қайта муҳандислик (reengineering), киёслаш муҳандислиги (benchmarking), таннарх муҳандислиги (cost engineering) ва бошқа замонавий ривожланиш тенденцияларига мос махсус фан ва модуллар кириштирилди. Талабаларга соҳа буюртмачилари талаблари асосида шакллантирилган ўқув дастурлари асосида янги маҳсулотларни лойиҳалаштириш ҳамда илмий изланишларга йўналтирилган дастурлар бўйича таълим берилди.

Магистратуранинг иккинчи йилида янги маҳсулотлар бўйича тажриба конструкторлик намуналарини яратиш билан боғлиқ технология жараёнлар корхоналарда бевосита амалиётда синовдан ўтказилади. Амалёт билан боғланган илмий тадқиқотга йўналган махсус таълим дастурларида таҳсил олган ушбу талабалар келажакда юртимиз иқтисодиёти рақобатбардорлигига, sanoatимиз ривожига ҳисса қўшадиган юқори малакали кадрлар бўлиб етишади.

Таълим муассасамиздаги муҳандислик таълими моделининг муҳим хусусияти кўп тармоқлилик, турли вазифа ва мулътитехнологияларга асосланганлигидир. Талабалар учун ўзгарувчан технологик жараёнларга мослашувчан ва фаол муносабатда бўлиш имконини берувчи индивидуал таълим йўналишлари тизими жорий этилмоқда.

Машинасозлик, кимё sanoati, энергетика ва электротехника муҳандислиги соҳалари бўйича сўнгги уч йил мобайнида ҳамкор корхоналар ва хорижий компаниялар томонидан моддий-техник базани ривожлантириш мақсадида қиймати 1 миллиард 344 миллион сўмлик ўқув лабораториялари ташкил этилмоқда. Хусусан, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан ажратилган маблағ ҳисобидан жорий йилда 7,8 миллиард сўмлик 59 турдаги ўқув ва илмий-тадқиқот лаборатория жиҳозлари институтимизга етказилди.

Илгор муҳандислик мактаби ташкил этилишида худуддаги “Худудий электр тармоқлари”, “Ўзбекнефтьгаз”, “Ўзтрансгаз”, “Худуд газ таъминот”, “Иссиқлик электр станциялари”, “Ўзбекиздрознерго”, “Ўзавтосаноат”, “Quvasoysement”, “Farg’onaazot”, “Kvars”, “Qo’qon mexanika zavodi” АЖлари каби 20 дан ортқ йирик sanoat корхонаси, шунингдек, методик жиҳатдан Италиянинг Турин политехника университети, Бауман номидаги Москва давлат техника университети, Шимоллий Хитой технология университети ва Санкт-Петербург политехника университети билан самарали ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Фарғона политехника институтини sanoat муҳандислиги мактабини ташкил этишда “Ўзавтосаноат” АЖ тармоқ корхоналари билан изчил ҳамкорлик қилаётганини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Жумладан, “UzAutoMotors” АЖ талаблари асосида ишлаб чиқариш муҳандислиги, ишлаб чиқариш бошқаруви ва автомобилсозлик учун электротехника муҳандислиги йўналишларида мутахассислар тайёрлаш мақсадида корхона талаблари ва буюртмаси асосида махсус таълим дастурлари ишлаб чиқилмоқда. Мутлақо янги-ча ёндашувлар ва билимлар асосидаги ушбу таълим дастурларини яратишда институтимизда етарлича салоҳият, имконият ва тажриба мавжуд. Хусусан, бу



жараёнларга нуфузли хорижий университетлар ва етакчи корхоналардан салоҳиятли мутахассисларни жалб этиш режалаштирилган.

Узоқ муддатли стратегик ҳамкорлик режаларимиздан “Ўзавтосаноат” АЖ тармоқ корхоналарининг стратегик ривожланиши, муаммолар банкидан келиб чиқиб, илмий тадқиқот йўналишларини белгилаш ва ҳамкорликда илмий лабораторияларни ташкил этиш ҳам ўрин олган бўлиб, ушбу лабораторияга илгор муҳандислик мактаби талабалари ҳамда соҳа бўйича илмий тадқиқот қилаётган докторант ва тадқиқотчиларни бириктириш белгиланган. Шунингдек, “Ўзавто” академияси ҳузурида муаммоларнинг технологик ечимларини ўрганиш учун илмий марказ ташкил этиш бўйича ишлар олиб боришмоқда.

Таълимга ислохотларнинг ҳал қилувчи кучи сифатида қараш яқин келажакда янгидан янги ихтироларга асос бўлади. Институт жамоаси билан инновацион иқтисодиёт учун маҳаллий мутахассисларнинг янги авлодини шакллантириш стратегик режаларини амалга оширмоқдамиз. Президентимиз бевосита бизнинг таълим муассасамизни бу борада тажриба сифатида эътироф этгани ушбу жараёндаги ишлар қўламини янада кенгайтиришимиз учун муҳим омилдир.

Юксалиш палласи

Рисолат МАДИЕВА, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

Таълим сифатини ошириш кун тартибидagi энг муҳим ва долзарб масалалардан биридир. Бу жараёнда, айниқса, педагогларнинг малакаси юқори бўлиши аҳамиятли. Зеро, билимли, салоҳиятли ўқувчиларни илгор тажриба ва зарур кўникмаларга эга устозлар тарбиялайди. 2023 йил 28 августда Президентимиз раислигида мактабларда таълим сифатини ошириш, ўқувчи ўрнини кўпайтириш ва ўқитувчиларни қўллаб-қувватлашга қаратилган устувор вазифаларга бағишлаб ўтказилган йиғилишда ўқитувчилар малакасини ошириш ва уларга муносиб шароит яратиш борасида муҳим вазифалар белгиланган берилган эди. Жумладан, ўқитувчилар малакасини ошириш ва тоифа бериш тизими тўлиқ ўзгартирилиши назарда тутилган.



Президентимизнинг 2023 йил 26 майдаги “Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳамда унинг ти-зимидagi ташкилотлар фаолиятини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони асо-сида педагоглар аттестацияси янги тартибда жорий этилди.

Шу кунларда республикамиз бўйлаб, хусусан, пойтахтимизда жойлашган Педагогик маҳорат ва халқро баҳолаш илмий-амалий марказида Тошкент шаҳри ва вилояти таълим муассасалари педагоглари иштироки-да иккинчи бор аттестация синовлари бўлиб ўтмоқда.

Янги тартибга кўра, синовлар икки босқичда амал-га оширилмоқда. Биринчи босқичда мутахассислик фанидан педагогларнинг билими (билиш, қўллаш, мулоҳаза қилиш кўникмалари), иккинчи босқичда пе-дагогик маҳорати баҳоланаётди.

Ҳар иккала босқич ҳам компьютерда реал вақт ре-жимида (онлайн) ўтказилмоқда. Бунинг натижасида ташқи таъсир — инсон омили аралашувига барҳам берилган.

— Синов материаллари соҳа мутахассислари, олим-лар ва амалиётчи педагогларни жалб қилган ҳолда тест-ология меъёрлари асосида ишлаб чиқилди, — дейди



МАЛАКА СИНОВЛАРИ ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШДА МУҲИМ ҚАДАМ

Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги бошқарма бошлиғи ўринбосари Умид Дўстназаров. — Шунинг-дек, педагогик маҳорат ва халқро баҳолаш илмий-амалий маркази томонидан 56 та мутахассислик фани бўйича тоифа тест топшириқлари шакллантирилди ва экспертизадан ўтказилди. Бунда мактабгача таълим ташкилотлари ходимлари учун 12 та фан кесимида уч тилда (ўзбек, рус, қорақалпоқ) 3370 та, умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълим ташкилотлари педагоглари

яратмоқда. Қолаверса, “Мен педагог бўлишга лойиқ-манми?” деган саволга жавоб топгандекман. Хўш, янги тартибдаги синовлар ташкилий жиҳат-дан аввалги тартибдан нимаси билан фарқ қилади? Аввало, синовларни реал вақт (онлайн) режимида ўтказиш учун республика бўйлаб 1900 та замонавий компьютер билан жиҳозланган катта снгимдаги жой-лар тайёрланди. Махсус рўйхатга олиш ва тест ўтка-зиш платформаси ишлаб чиқилди. Компьютерларга



учун 36 та фан кесимида учта тилда (ўзбек, рус, қорақалпоқ) 21 минг 980 та, бошланғич синф ўқитувчилари учун етти тилда (ўзбек, рус, қорақалпоқ, тожик, турк-ман, қозоқ, қирғиз) 1925 та саволлар банки шакллантирилди.

Маданият вазирлиги тизимидagi ихтисослашти-рилган мактаб, мактаб-интернат ҳамда болалар му-сика ва санъат мактаблари педагоглари учун кўп ва-риантлик асосида назорат саволлари банки ишлаб чиқилди. Синовларда иштирок этиш учун 190 минг-дан ортқ талабгор педагогнинг аризаси келиб туш-ган. Улардан 153 минг нафардан ортқи тест синов-ларида иштирок этиши кутилмоқда. Номзодларнинг 18,3 минг нафари навбатдаги мажбурий, 136,1 минг нафари навбатдан ташқари ҳамда 17,4 минг нафари тўғридан тўғри малака синовларида қатнашиш учун мурожаат юборган.

— Иш бошлаганимга 3 йил бўлди, — дейди пой-тахтимизнинг Янгиҳаёт туманидаги 2-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Анна Валиева. — Ат-тестацияга янги дастур ва янги дарсликлар асосида тайёрларлик кўрдим. Мен адабиётлар рўйхати асо-сида аввал баҳорги аттестацияга тайёрландим. Даст-лаб методика бўйича саволлар бир оз қийин, савол ва жавоблар бир-бирига ўхшаш туюлди. Чунки биз ҳали янги методика ва дарсликлар билан ишлагани тўлиқ ўрганмаган эдик. Шу боис, бошланғич синф-ларда янги дарсликлар асосида дарс ўтишда бир оз қийналган ҳолатларимиз бўлди. Янги дарсликларда таҳлил қилиш, ахборот тўғри ёки нотўғри берил-ётганини аниглаш, танқидий фикрлаш компетенциясини ривожлантиришга эътибор қаратилган. Янги қайси-дир маълумот нотўғри талқин этилаётганини аниглаб олиш қобилиятини ривожлантириш кўзда тутилган. Аттестацияга тайёрларлик жараёнида ана шу кўник-маларга эга бўлдик ва билдимки, жиддий ҳозирлик кўрилиса, албатта, муваффақиятга эришимиз мумкин. Натижада синовда 80 балл тўғйлаб, биринчи тоифа олиш имконига эга бўлдим. Бу ойлик маошимга уста-ма қўшилиши баробарида касбий ўсишимга пойдевор

веб-камералар ўрнатилган, Face ID — юзни таниб олиш технологиясидан фойдаланилмоқда. Шунингдек, тест синовларида биринчи марта Blockchain технологияси қўлланилди. Бу орқали ҳар битта педагог томонидан ечилган тестнинг вақти, тўғри ва нотўғри жавоблари ҳақидаги маълумотларни ўзгармас шаклда сақлаш имконияти яратилди ҳамда турли коррупцион омилларнинг олдини олишга эри-шилди. Ушбу янгилликлар аттестация жараёнининг шафдоф ва адолатли ўтишига хисса қўшмоқда.

— Бу ралги аттестацияда тизимини ҳам, ташкилий саволларни ҳам янада такомиллаштиришга ҳаракат қилдик, — дейди Умид Дўстназаров. — Веб-каме-рлар ўқитувчиларни даврий оралиқда ҳам расмга олиб турди. Бу орқали фақат синовга қираётган пайтида ўқитувчи шахси тасдиқланди, балки тест давомида бошқа ёққа қарамаётгани, тестдан ўз билими билан ўтаётгани ҳам назорат қилинади. Бундан ташқари, бионоларга кузатув камералари ўрнатилган, ким иста-са, интернет орқали тест жараёнини кузатиши мум-кин. Номзодлар учун қўлай кутиш жойлари, тиббий хизмат кўрсатиш ташкил этилди. Янги тартибнинг фарқли жиҳатларидан яна бири малака тоифаси бўй-ича синовларнинг ҳар иккала босқичи ҳам бир вақтда ўтказилаётганидир. Бу ўқитувчиларга фақат ўз би-лимларига таяниш кераклигини уқтиради. Аввал таъ-лим ташкилотлари раҳбарлари педагогларга 20 балл қўйиб берган, бу эса объектив баҳолашга таъсир кўр-сатган. Шунингдек, ўз ихтиёри билан навбатдан таш-қари аттестацияда иштирок этиш имкониятларини кечлаш мумкин бўлган. Эндиликда хоҳлаган педагог ўз шахсий кабинетини орқали мурожаат юбориши ва си-новларда қатнашиши мумкин. Синовлар 100 баллик тизимда баҳоланади. Биринчи босқичда педагогнинг мутахассислик фани ва касб стандарти бўйича билим даражаси баҳоланади (80 балл). Бунда педагоглар-га мутахассислик фани бўйича 35 та ҳамда касбий стандартларга оид 5 та тест савол берилди. Иккинчи босқичда педагогик маҳорати 10 та савол билан баҳо-ланади (20 балл).

Янги тартибда синовларнинг муҳим қисми бўл-ган тест саволларини тузишга ҳам алоҳида эътибор билан ёндашилмоқда. Бунинг учун илгор соҳа мута-хассислари, олимлар ва амалиётчи педагоглар жалб қилиняпти. Экспертлар алоҳида тайёргарликдан ўт-казилиб, улар иштирокида баҳолаш меzonлари ишлаб чиқилди. Бунда малака синовлари талабларидан (фан мазмуни, таркиби, саволлар сонини, топшириқлар тури, вақт меъёри) келиб чиқиб, ҳар бир тестга алоҳида эъ-тибор қаратилди. Натижада жорий йил январь-июнь ойларида ўтказилган синовлар учун белгиланган ме-зонлар асосида 42 та фандан учта тилда (ўзбек, қора-қалпоқ, рус) 30 мингта яқин назорат синов материали тайёрланди.

Саволлар ҳам аввалгидек фақат хотирани ба-ҳолашга қаратилган саволлар эмас. Педагогларни мантқан ўйлашга, мушоҳада юритишга чорлай-диган саволлар тузилган. Синов жараёнида тест дастурида калькулятор ва формулалар келтирилган қўланмалар жойлаштирилгани ҳам улар асосан билимини қўллаш ва мушоҳадага йўналтирилгани-дан далолат.



Янги дарсликлар 4К методикасига асосланган. Бу методология болаларнинг ривожланишига қаратил-ган бўлиб, коллаборация, коммуникативлик, ижодий (креатив) ва танқидий (критик) фикрлаш каби асосий компетенцияларни қамраб олади.

Ушбу компетенциялар тасаввур этиш, гоълар-ни илгари суриш, далиллар келтириш, маълумот етишмаслигини таъкидлаш ва излаш, ўз гоълар-ини шакллантириш, тахмин ва мулоҳазаларини баҳолай олиш, гуруҳ мақсадларини қабул қилиш ва умумий натижадан баҳолаш каби кўникмаларни ўз ичига олади. Мактаб ўқувчиларига мустақил ўқиш ва бошқалар билан биргаликда тадқиқот оқиб бориш, ўзини кўрсатишга имкон беради. Бу эса ўқитувчидан болаларда ушбу муҳим компетен-цияларни ривожлантиришга ёрдам бериш, ўқув жараёнини болалар учун қизиқарли ва фойдали тарзда ташкиллаштиришни талаб этади. Ҳар бир дарсда фақат фан мазмуни эмас, балки қобилиятни мустақил ривожлантириш жараёни устун бўлиши-га қўмаклашади.

Педагог кадрларнинг умумтаълим фанлари бўйича билим даражаси ва касбий маҳоратини баҳолаш тизи-мини ишлаб чиқишда кўплаб хорижий давлатлар таж-рибаси ўрганилди. Хусусан, Бирлашган Араб Амир-ликларининг Илгор таълим коллежи (Emirates College for Advanced Education) билан ўзаро ҳамкорлик йўлга қўйилди.

Янги тартиб педагоглар томонидан катта қизи-қиш билан кутиб олинди, десак муболага бўлмай-ди. Бунини иштирокчилар сонидан ҳам кўришимиз мумкин. Шу йилнинг апрель-май ойларида бирин-чи марта ташкил этилган малака (тест) синовлари-да 194 минг 392 педагог иштирок этди. Аттестация натижаларига кўра, мактабгача, умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълим ташкилотлари педагог кадрларнинг 9104 нафарига олий, 25 минг 725 нафарига биринчи, 47 минг 665 нафарига иккин-чи малака тоифаси берилди. 11 минг 533 педагог мутахассис лавозимига мувофиқ, 15 минг 52 нафа-ри эса мутахассис лавозимига мувофиқ эмас деб топилди.

Мажбурий аттестацияга жалб этилиб, етарли балл тўғйлаб олмаган, яъни мутахассис лавозимига мувофиқ эмас деб топилган педагогларга чоралар кўрилиши белгиланган. Олий маълумотли ўқитувчи лавозимидagi педагог кадрлар навбатдаги мажбу-рий аттестациядан ўта олмаган тақдирда иш берув-чи ходимнинг малакаси етарли бўлмагани сабабли у билан тузилган махсус шартномасини қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда бекор қилиш ҳужжати эга. Иш берувчи меҳнат шартномасини бекор қилмаган тақдирда навбатдаги мажбурий аттестациядан ўта олмаган мутахассис (олий маъ-лумотли ўқитувчи) лавозимидagi педагог кадр нав-батдан ташқари аттестацияга кўпи билан уч марта жалб этилади. Бунда уч мартадан бириртасида ҳам навбатдан ташқари аттестациядан ўта олмаган ёки узурли сабабсиз (касалликча қалиниши оқибати-да узоқ муддатли меҳнатга қобилиятсизлик ҳамда давлат ёки жамоат вазифаларини бажарганлигидан ташқари ҳолларда) аттестацияда иштирок этмаган педагог кадр билан тузилган меҳнат шартномаси ходимнинг малакаси етарли бўлмагани сабаб бекор қилинади.

Ўқитувчиларга бу нима беради, деган ҳақли савол туғилди. Аттестацияга тайёргарлик жараёнида ўқи-тувчи ўз устида ишлайди, педагогнинг маоши тўғ-ридан тўғри аттестациядан олган тоифасига боғлиқ ҳисобланади. Ўқитувчининг салоҳияти ўқувчи били-мида акс этади.

Янги малака синовлари педагогик фаолиятнинг сифатини оширишда катта қадамдир. Ушбу жараён таълим тизимига барқарор ривожланишга хизмат қи-лади, ўқитувчилар учун янги имкониятлар эшигини очади.



www.yuz.uz



yuz.uz

yuz_official



yuz.uz_news



yuz



Фольклор санъати халқимизнинг орзу-армонлари, эзгу ниятларини ўзида муҳасаммалаштирган, қадимий анъаналарни ифодаловчи, ёш авлод учун тарбиявий аҳамиятга эга воситадир. Шу билан бирга, ўзбек миллатининг маънавий дунёсини ифодалаши билан янада аҳамиятлидир.

Санъат сеҳри



“Навоий кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамияти, “НКМК жамғармаси” давлат муассасаси ва комбинат ходимлари касабга уюшмаси кенгаши томонидан ташкил этиб келинаётган “Қизилқум олтин мероси” фольклор фестивали илк марта 2018 йилда ўтказилган эди. Бу йилги фестиваль ҳам Навоий шаҳридаги “Фарҳод” маданият саройида кўтаринки руҳда бўлиб ўтди.

ҚИЗИЛҚУМ КЕНГЛИКЛАРИ УЗРА НАВОЛАР МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРГА УЙЎН ФЕСТИВАЛ

Навоий вилоятида фольклор санъати ривожига алоҳида эътибор берилади. Турли миллат ва элат вакиллари истиқомат қиладиган ҳудудда халқ оғзаки ижоди билан уйғунлашган ушбу йўналишга алоҳида қадрият сифатида қаралади. Юртимизда 2018 йилдан буён ҳар икки йилда ўтказиб келинаётган “Нурли наволар” халқаро фольклор фестивалининг яқини босқичи Навоий вилоятининг Нурота туманида ўтказилгани ҳам фикримиз тасдиғидир.

“Навоий кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамияти, “НКМК жамғармаси” давлат муассасаси ва комбинат ходимлари касабга уюшмаси кенгаши томонидан ташкил этиб келинаётган “Қизилқум олтин мероси” фольклор фестивали илк марта 2018 йилда ўтказилган эди. Бу йилги фестиваль ҳам Навоий шаҳридаги “Фарҳод” маданият саройида кўтаринки руҳда бўлиб ўтди.

Уч кун давом этган фольклор фестивалида “НКМК жамғармаси” давлат муассасаси тасаруфидоғида маданият масканларининг 8 та фольклор-этнографик ансамбли қатнашди. Фестивалнинг биринчи кунини фольклор-этнографик ансамбль жамоалари ўз ҳудудидоғида урф-одат ва қадриятларни театрлаштирилган тарзда моҳирона ижро этди.

Бугунги ёш авлод миллий анъаналаримиз ва халқ ўйинлари билан яхши таниш эмаслиги ҳақида фикрлар мавжуд. Фестиваль гоёси ёш авлодга бой маданий урф-одатлар ва халқ

анъаналарини етказишни мақсад қилиб, улар орасида миллий меросни янада оммалаштиришга алоҳида урғу берилди. Фестивалда иштирок этган болалар жамоалари орасида Зафарободнинг “Шодлик” ансамбли миллий ўйинларини, Зармиандаги “Кончи” маданият уйининг “Зармитан” ансамбли ва зарафшонлик болалардан иборат “Дилнаво” ансамбли йилбоши маросимларини, “Нуробод” маданият уйининг “Камалак” болалар жамоаси халқ ўйинларини, Фарҳод маданият саройининг “Сардоба қалдирғочлари” жамоаси қадимги ўйинларини саҳнада акс эттирди. Ушбу фольклор саҳна кўринишлари томошабинлар эътирофига сазовор бўлди.

Катталар ансамбллари босқичи ҳам кўплаб яхши фикр ва эътирофларга лойиқ қўрилди. Ушбу босқичда “Фарҳод” маданият саройининг Кармана туманидаги “Наврўз” клуби ҳузурида ташкил этилган “Дўстлик” ансамбли анъанавий тўй маросимларини саҳнага олиб чиқди. Ўзбек миллий ҳунармандлиги намуналари Зафарободдаги “Ёшлик” маданият ва спорт мажмуасининг “Шодлик” ансамбли намойиш этган “Хунармандлар” композициясида ўз ифодасини топди.

Қизилқум бағридаги олис ҳудудда жойлашган “Учкудук” маданият саройи ҳузуридаги “Сахро” ансамбли момоларимиздан мерос ип йиғириш маросимини ўзига хос



тарзда ижро этди. Халқаро фестиваллар иштирокчиси бўлган Кармана туманининг “Сардоба” фольклор-этнографик ансамбли эса келин-куёв маросимини саҳнада кўрсатиб, томошабинлар ва ҳакамлар эътиборини қозонди. Зарафшон шаҳридаги “Олтин водий” маданият саройининг “Дилнаво” ансамбли пахтакорлар ҳаётини, Пахтачи туманидаги



Қарнабот маҳалласининг “Шодлик” клуби ҳузурида ташкил этилган “Маъмура” ансамбли ҳудудга хос урф-одатларни маҳорат билан кўрсатиб берди.

“Қизилқум олтин мероси” фольклор фестивалининг иккинчи кунини фольклор-этнографик ансамбль жамоалари эркин мавзуда, жанрдан чиқмаган ҳолда санъатини намойиш этди. Ушбу босқичда жамоаларга фонограммдан фойдаланишга рухсат этилмади ва чиқишлар халқ қолгу асбоблари жўрлигида, жонли ижрода бўлиши белгиланди.




тин водий” маданият саройининг “Дилнаво” болалар ва катталар фольклор-этнографик ансамбллари 1-ўринга муносиб қўрилди. Болалар жамоалари ўртасида Зафаробод кўрғонидоғи “Ёшлик” маданият ва спорт марказининг “Шодлик” ансамбли 2-ўрин, “Фарҳод” маданият саройининг “Сардоба қалдирғочлари” ансамбли 3-ўринни эгаллади. Катталар фольклор-этнографик ансамбллари ўртасида “Фарҳод” маданият саройининг “Сардоба қалдирғочлари” ансамбли 2-ўрин, “Наврўз” клубининг “Дўстлик” ансамбли эса 3-ўринга лойиқ топилди.

— Фольклор-этнографик ансамблимиз 2009 йили ташкил этилган ва Зарафшон шаҳрида ўз ўрнига эга. Жамоамизда 5 ёшдан 70 ёшгача бўлган иштирокчилар йиғилган. Худудимизда турли миллат вакиллари истиқомат қиладди. Шунинг учун ҳар бир элат урф-одатлари, анъаналарини санъатимизда ифода этишга ҳаракат қиламиз. Миллий санъатимиз ва фольклоримизни аҳоли ўртасида кенг тарғиб этамиз. Турли байрамлардаги чиқишимиз орқали воҳадошларимиз эътирофига сазовор бўлиб келяпмиз. Кўпалаб кўрик-танлов ва фестивалларда иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллаганмиз. Ушбу фестивалда ҳам миллий санъатимизни юксак даражада намойиш этиб, голиб бўлдик. — дейди Зарафшон шаҳридаги “Олтин водий” маданият саройининг “Дилнаво” фольклор-этнографик ансамбли бадий раҳбари Абдоржон Фахриддинов.

Фестиваль якунида голиб ва совриндорларни тантанали тақдирлаш маросими фольклор-этнографик ансамбллариининг гала-концертига улашиб кетди. Қизилқум кенгликларига яна бир бор миллий санъатимиз намуналари янгради.

Ғолиб АБДУСАЛОМОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

“Ўзбекистон — 2030” стратегияси — амалда



МЕҲМОН КЕЛСА, БАРАКА ҲАМ КЕЛАДИ

БМТ маълумотида кўра, дунёда 200 миллионга яқин киши сайёҳлик соҳасида меҳнат қиладди. Ундан тушяётган даромад 1 триллион АҚШ долларини ташкил этади. Сайёҳлар сони эса ҳар йили 4-5 фоиз кўпайиб, бошқа давлатларга сафар қилувчилар сони 1 миллиарддан ошади. Колаверса, ҳозир дунёда яратилаётган ҳар 10 иш ўрнининг биттаси айнан туризм соҳаси ҳиссасига тўғри келмоқда.



“Ўзбекистон — 2030” стратегиясида мамлакатимизда келгуси етти йилликда хорижлик сайёҳлар сони 15 миллионга, ички сайёҳлар сони 25 миллионга, зиёрат туризми бўйича келадиغان сайёҳлар сони 3 миллионга ошириш мақсад қилинган.

Маълум қилинишича, жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида жами 5,7 миллион чет эл фуқароси туристик мақсадларда Ўзбекистонга ташриф буюрган. Бу кўрсаткич ўтган йилдагига нисбатан 16,33 фоиз ошган.

Сўнгги йилларда Сурхондарёда ҳам туризм соҳаси янада ривожланмоқда. Туризмга эътибор ортиши натижасида вилоятда зиёрат, эко ва этнотуризм каби кўплаб йўналишлар оммалашяпти. Воҳада замонавий туризм истикболларидан бири бетакорр табиий масканлар, экотуризм, миллий анъаналар, таомлар ва сархил мевадар саналади.

Денов туманидаги Сина қишлоғида анъанавий тарзда ўтказилиб келинаётган миллий таомлар сайли ҳудудга хорижлик ва маҳаллий сайёҳлар сони ортишига замин яратмоқда. Баланд тоғлар бағрида жойлашган Сина қишлоғининг туризм салоҳияти жуда юқори. Мусаффо ҳавоси, ўзига хос фусункор табияти сабаб мазкур ҳудудга сайёҳлар кўп келади. Синада миллий таомлар сайли ташкил этилиши ҳам бежиз эмас. Бу қишлоқ азалдан пазандлик санъати билан машхур. Тадбир ҳудудининг туристик имкониятларидан самарали фойдаланиш, миллий урф-одат ва анъаналарни меҳмонларга кенг намойиш этиш ҳамда Сина қишлоғини сайёҳларнинг севишли масканларидан бирига айлантириш мақсадини кўзлаган.

— Ушбу сайилнинг навбатдагисида ҳам вилоятнинг қадим ва ҳозирги кундаги ўзига

хос таомлари кўргазмаси ўтказилди. Миллий услубда безатилган павильонларда моҳир пазандаларнинг турли таомлар тайёрлаш билан боғлиқ услуб, удум ва анъаналар кенг намойиш этилди. — дейди Денов туманидаги “Файзобод” МФЙ хотин-қизлар фаоли Гулимох Мелибоева. — Хориждан келган сайёҳларга нон, патири ва сомсанинг 20 дан зиёд тури ҳамда тандир қабоб, гўлажи ош ва бошқа таомларни тайёрлаш сирлари намойиш этилди.

Миллий таомлар сайлида вилоятнинг турли ҳудудларига хос таомлар кўргазмадан жой олди. Сайилда иштирок этган хорижлик меҳмонлар ҳам бу таомлар мазасини татиб кўриб, уларга баҳо берди.

— Ўйлайманки, биз бу ерларни кўриш учун яна қайтиб келамиз. Чунки Ўзбекистоннинг ҳар бир ҳудуди бунга лойиқ. Мен учун жуда ёқимли саяҳат бўлган. Бу ерда сайёҳлар учун режалаштирилаётган лойиҳалар билан танишдим. Шунинг учун мен яна қайтиб, унинг қандай ўзгарганини кўришни истайман. Бизни яхши қутиб олишганидан мамнунмиз. Бу ерда турли таомларни татиб кўрдим. Менга, айниқса, ош жуда манзур бўлди. Бундан ташқари, ўзбек миллий таомларидан манти ва сомса жуда ёқди, — дейди франциялик Тибо Димбоа.

Туризм қўмитаси томонидан Синага туризм қишлоғи мақоми берилгани ҳақидаги сертификат топширилди. Шунингдек, “Энг яхши миллий таом”, “Энг яхши ошпаз” ва “Энг мазали таом ҳудуди” каби номинациялар бўйича голиблар аниқланди.

Маълумотларга қараганда, жаҳон туризм ва саяҳат экспертлари Ўзбекистонни яқин келажақда сайёҳлар оқими янада ортиши

кутилаётган беш давлат қаторига қўшган. Мамлакатимизда кейинги 10 йилда туризм йиллига 7 фоиздан ўсиб бориши башорат қилинмоқда. Соҳанинг янада ривожланиши эса Ўзбекистонда янги иш ўринлари яратилиши, экспорт ва ялпи ички маҳсулот ҳажми юксалишига хизмат қилиб, туризмдан келаётган даромад мамлакатимизда иқтисодий тараққиётни, аҳоли турмуши фаровонлигини таъминлашга имкон бераётди.

Республикадаги анорзорларнинг учдан бир қисми Сурхондарё вилояти ҳиссасига тўғри келади. Соҳага илмий ёндашув боғдорчиликда анорнинг даромад чўғи нисбатан балан эҳтисобида амалда намойиш этиш имконини берди. Илгари 1 гектар анорзордан 10-15 тонна ҳосил олинган бўлса, қишлоқ хўжалигининг илм-фан билан интеграциялашуви натижасида бугунга келиб, 35-40 тоннагача анор етиштирилмоқда.

2021 йил 1-2 июнь кунлари Сурхондарё вилоятига ташриф буюрган давлатимиз раҳбари Шеробод туманида бўлиб, анорчилик соҳасини илмий асосда ривожлантириш, аниқ йўналишда малакали кадрлар тайёрлаш, шунингдек, янги маҳаллий навларни яратиш, юқори ҳосилдорликка эришиш, анорнинг экспорт ҳажмини, даромад миқдорини янада ошириш юзасидан аниқ вазифаларни белгилаб берган эди. Вазифалар ижроси ва самарага олиш сифатида анор чинакам маънода Шеробод туманининг ташриф қорғизига айланди.

Бу жиҳатлар шу кунларда Шерободда ўтказилган анор фестивали доирасида ташкил этилган кўргазмада ҳам таъкидланди.

Воҳадаги анорчиларни бир манзилда жамлаган сайида турли номинациялар бўйича танлов эълон қилинди. Мевалар ҳакамлар ҳайлати томонидан баҳолаб борилди. Анорчилик йўналишида “Энг фаол хонадон” номинацияси “Мажнунтол” маҳалласи вакилига, “Энг катта анор — 2024” номинацияси “Шеробод тоза боғи” боғдорчилик фермер хўжалиғига, “Энг мазали анор нави” номинацияси “Расулов Тожи” МЧЖ раҳбарига берилди.

— “Тулоби”, “Тошқўрғон”, “Гайзара”, “Қора дон” анор навлари узок муддат сақланиш хусусияти билан харидорлар эътиборини қозонмоқда, — дейди боғбон Назира Чориева. — Энг муҳими, бу сайиллар бизга бозор топишда, ҳамкорлик ва тажриба олишда муҳим бўляпти.

Йилнинг ўтган даври мобайнида Сурхондарё вилоятига 80 та давлатдан 52 мингдан ортиқ хорижлик сайёҳ келган. Келгуси йил эса воҳага 100 минг чет эллик ва 1 миллион 800 минг маҳаллий сайёҳни жалб этиш режалаштирилган. Бунинг учун воҳанинг туристик салоҳиятидан янада оқилона фойдаланиш борасида қатор чора-тадбирлар кўриломоқда. Вилоятнинг сўлим гўшаларидан бири Бойсун туманида анъанавий тарзда ташкил этиб келинаётган олма сайли ҳам ички ва ташқи туризмини кенгайтиришда муҳим аҳамиятга эга.

Ташкил этилган олма сайли Бойсун туманида етиштирилган меваларнинг энг сара намуналарини тақдим этиш учун меҳмонларга ўз кучогини очди. Унда воҳанинг барча туманларидан, шунингдек, хорижий давлатлар ва вилоятлардан ҳам меҳмонлар ташриф буюрди. Тадбирда 10 га яқин олма тури намойиш этилди.

Бойсун туманида етиштирилган олманинг довруги оламга кетган, — дейди бойсунлик боғбон Баҳром Эшмуродов. — Ўтказилаётган сайилларга бободоҳнолар олманинг энг яхши навларини келтирди. Тақдир этилган мутахассислар тадбир иштирокчиларига олма етиштириш истиқболлари, унинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида маълумот берди.

Юртда саховатли куз фасли ҳукмрон. Ҳосил мўл, бозорлар тўкин. Незматларнинг энг яхшиси бўлган тинчлик эса ана шу сайиллар фестивалларга асос. Сайиллар ва фестиваллар эса мамлакат мафтуночилиғига далил ва ташриф қорғози. Бунинг ортидан иқтисодийет ҳам юксала бориши шубҳасиз.

Сарвар Тўраев,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири



“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган қўлғизмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида сақлалади.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Колограк” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма — 3599

Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қўғоз бичими А2. Баҳоли келишилган нархда.

“Колограк” МЧЖ босмаҳонасида чоп этилди.
Босмаҳона манли: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмаҳона телефони: (71) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Юнус Бўронов
Мусахҳис: Маллохат Мингбаева
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилими:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

ЎзА якуни — 01:00 Тошпирилди — 01:55